

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ ҲИСОБЛАНГАН ЯПОНИЯ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг таклифига биноан 18-20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 20 декабрь кунги Токиода “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг биринчи саммитида иштирок этди.

Япония Бош вазири Санаэ Такаичи раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё давлатлари ва Япония ўртасида “яшил”

иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш, ўзаро боғлиқлик ҳамда минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, инсон ресурсларини ривожлантириш каби устувор соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бундан йигирма йил муқаддам айнан кунчиқар юрт илк бор “Марказий Осиё +” мулоқотининг ташаббускори бўлганини қайд этди. Буюк ипак йўли давридан ривожлана бошлаган яқин савдо ва маданий алоқалар, ўхшаш анъана ва урф-одатлар, маънавий, маданий ва оилавий қадриятлар Марказий Осиё ва Япония

ўртасида кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантириш учун мустаҳкам асос ҳисобланади.

— Биз Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришганидан кейинги давр мобайнида Япония ишончли ҳамкоримиз бўлиб келаётганини, минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, инфратузилма, саноат ва энергетика базасини модернизация қилиш, фан ва таълим ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётганини юксак қадраймиз. Шу сабабли Марказий Осиё давлатлари Япониянинг минтақа ҳаётида янада кенг ва фаол иштироки этишидан манфаатдор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Минтақа табиий ресурсларга бойлиги, жаҳондаги транспорт, савдо ва энергетика йўналишлари чорраҳасида жойлашгани, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсаётгани ҳамда бу ерда кечаётган яқинлашиш ва интеграциянинг фаол жараёнилари Япония билан кооперация учун қулай шароит яратмоқда.

— Ишончим комил, биргаликдаги сазй-ҳаракатларимиз билан янги марраларга эришамиз. Донишманд япон халқи айтганидек, “агар кучлар бирлаштирилса, тоғларни ҳам ўз ўрнидан силжитиш мумкин”, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Президентимиз саммит кун тартибига ўтар экан, “Марказий Осиё + Япония” форматида ҳамкорлиқни ривожлантириш юзасидан ўз нуқтаи назарини тақдим этди.

Аввало, саммитларни давлат раҳбарлари даражасида ҳар икки йилда бир марта ўтказиш таклиф қилинди. Бу ҳамкорликка қўшимча кучли суръат бағишлашга хизмат қилади. Навбатдаги шундай учрашувлардан бирини Ўзбекистонда қабул қилишга тайёрлик билдирилди.

Япониянинг адлия ва ҳуқуқ соҳасида ҳамкорлик бўйича янги доимий механизмини яратиш ва келгуси йили Токиода адлия вазирларининг биринчи учрашувини ташкил этиш борасидаги ташаббусни қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон “Марказий Осиё — Япония 2040” ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиб, ҳужжатга минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланишига қўмаклашиш ва уларни глобал иқтисодий жараёнларга чуқур интеграция қилиш бўйича аниқ дастур ва лойиҳаларни киритиш тарафдори эканлигини қайд этди.

Янги ғоя ва таклифларни ишлаб чиқиш, ҳамкорлиқнинг кенг қўламли кун тартибини шакллантириш учун мамлакатларимизнинг етакчи таҳлил тузилмалари иштирокида Экспертлар форумини таъсис этиш муҳимлиги таъкидланди. Форумнинг илк мажлисини келгуси йили Тошкентда ўтказиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси Япония молия институтларининг Марказий Осиёда савдо-иқтисодий ва инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни кенгайтиришини олқишлади.

— Ишонаман, Марказий Осиёнинг бой табиий ва кадрлар ресурсларини Япониянинг саноат ва технологик салоҳияти билан бирлаштириб, бир-биримизни тўлдириш ва қўчайтириш бўйича самарага эриша оламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан Марказий Осиёнинг инфратузилмаси ва саноатини ривожлантириш инвестиция жамғармасини таъсис этиш таклиф қилинди. Унинг негизда “Сифатли инфратузилма” бўйича дастур ҳамда Япония технопаркларининг Марказий Осиё тармоғи — саноат кооперацияси, маҳаллийлаштириш ва технологиялар трансфери минтақавий платформасини ишга тушириш мумкин.

Бугун рақамли трансформация иқтисодий ўсиш ва барқарорлиқнинг хал қилувчи омилга айланиб бораётганидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари “Марказий Осиё — Япония” рақамли хаби — рақамли ечимлар, сунъий интеллект, “бююмлар интернет”, киберхавфсизлик ва инновацион иқтисодиёт соҳаларида кўп томонлама ҳамкорлик платформасини яратиш муҳимлигини қайд этди.

Тезюрар поездлар ва автомобиль йўллари барпо этиш, транспорт йўлакларини рақамлаштириш, аэропортлар ва логистика марказларини қуриш лойиҳаларига Япония инвестициялари, технологиялари ва экспертлари қўмагини жалб этишдан манфаатдорлик билдирилди.

“Яшил” энергетика соҳасидаги ҳамкорлик доирасида когенерация технологияларини жорий этиш, йўқотишларни қисқартириш, зарarli газларни ушлаб қолтиш бўйича биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди. Тошкентда Қайта тикланган энергетика соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича минтақавий марказни ташкил этиш таклифи илгари сўрилди.

Давлатимиз раҳбари экология соҳасида Марказий Осиёда ҳаво сифатини яхшилаш бўйича қўшма дастурни ишга тушириш, Йқлим ўзгаришига қарши курашиш юзасидан қўшма ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ҳамда Мулоқот доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг янги шаклдаги учрашувларини ташкил этиш муҳимлигини қайд этди.

Япониянинг сейсмик хавфсизлик соҳасидаги улкан тажрибасини ҳисобга олиб, минтақада сейсмик барқарорлиқни баҳолаш ва ошириш бўйича қўшма дастурни ишга

тушириш, Тошкент шаҳрида Япония стандартлари ва протоколлари бўйича муҳандислар, архитекторлар, қўтарув хизматларини тайёрлаш учун Минтақавий малака ошириш марказини очиш таклиф қилинди.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистонда келгуси йили “Марказий Осиё + Япония” форматида таълим вазирларининг биринчи йиғилишини, шунингдек, минтақадаги етакчи университетлар ректорларининг илк форумини ўтказиш, ёшлар ҳамжамиятлари ўртасида узоқ мuddатли алоқаларни шакллантиришга қаратилган Ёшларни ривожлантириш минтақавий тармоқ дастурини қабул қилиш бўйича режалар тақдим этилди.

Ўзбекистон етакчиси халқаро сиёсат ва минтақавий хавфсизлик масалаларига тўхталар экан, минтақа давлатлари ва Япониянинг Афғонистонни тинч, барқарор ва бунёдкор ривожланиш сари бораётган мамлакат сифатида қўриш борасидаги интилишлари ақдиллигини таъкидлади.

Афғон халқини қўллаб-қувватлаш бўйича кўп йиллардан буён етакчи донор ва шерик мамлакатлар қаторида бўлиб келаётган Япониянинг изчил позицияси юксак баҳоланди.

Ўзбекистон Президентини сўзининг ақинида кун тартибидан бача масалалар бўйича қарорларни қўллаб-қувватлашни билдирди.

Саммитда бошқа етакчилар ҳам нутқ сўзладилар. Тадбир ақинида Токио декларацияси қабул қилинди.

“Марказий Осиё + Япония” мулоқоти саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кўп томонлама бизнес форумида иштирок этди.

Тадбирда Япония Бош вазири Санаэ Такаичи, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов ҳам қатнашди.

Марказий Осиё ва Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш, минтақада Япония инвестициялари ва илғор технологияларини жалб қилиш, саноат кооперациясини кенгайтириш, ишбилармон доиралар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ + ЯПОНИЯ” БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Бош вазир хоним олиялари! Хурматли делегациялар раҳбарлари! Япония Бош вазири Такаичи хоним олияларига “Марказий Осиё + Япония” биринчи саммити юксак даражада ташкил этилгани, гўзал ва жўшқин Токиода кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик учун билдирилаётган чуқур миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Таъкидлашни истардимки, бундан 20 йил муқаддам айнан кунчиқар юрт илк бор “Марказий Осиё +” мулоқотининг ташаббускори бўлган эди. Ушбу қарор стратегик жиҳатдан нақадар муҳим ва тўғри бўлганини вақтининг ўзи кўрсатмоқда.

Ушбу саммитимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга ва ҳамкорлигимизда янги саҳифа очмоқда.

Бизнинг Япония билан яқин савдо ва маданий алоқаларимиз Буюк ипак йўли давридан ривожлана бошлаганини қайд этишни истар эдим. Япониянинг қадимий пойтахти Нара шаҳри, Сиз туғилган маскан, хурматли Бош вазир хоним, ушбу йўлдаги энг муҳим марказлардан бири бўлган.

Бизни ўхшаш анъана ва урф-одатлар, маънавий, маданий ва оилавий қадриятлар ҳам яқинлаштириб туради.

Буларнинг барчаси Марказий Осиё ва Япония ўртасида кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантириш учун мустаҳкам асос ҳисобланади.

Хурматли Такаичи хоним! Биз Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришганидан кейинги давр мобайнида Япония ишончли ҳамкоримиз бўлиб

келаётганини, минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, инфратузилма, саноат ва энергетика базасини модернизация қилиш, фан ва таълим ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётганини юксак қадраймиз.

Шу сабабли Марказий Осиё давлатлари Япониянинг минтақа ҳаётида янада кенг ва фаол иштироки этишидан манфаатдор. Ва бу борада бизда тақдим этадиган таклифлар бор.

Минтақамиз табиий ресурсларга бой, жаҳондаги транспорт, савдо ва энергетика йўналишлари чорраҳасида жойлашган. Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг ўсиши 5-6 фоизни ташкил этмоқда ва бу суръат яқин йилларда ҳам қатъий қолади.

Бугунги кунда минтақада кечаётган яқинлашиш ва интеграциянинг фаол жараёнилари Япония билан кооперация учун қулай шароит яратмоқда.

Хурматли Бош вазир хоним, Марказий Осиё билан стратегик муносабатларни ривожлантириш борасидаги қатъий интилишимиз учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Ишончим комил, биргаликдаги сазй-ҳаракатларимиз билан янги марраларга эришамиз. Донишманд япон халқи айтганидек, “агар кучлар бирлаштирилса, тоғларни ҳам ўз ўрнидан силжитиш мумкин”.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Бугун мамлакатларимиз ўртасида шериклини ривожлантириш бўйича илгари сўрилган муҳим ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Ҳамкорлигимизни стратегик муҳим йўналишларда мустаҳкамлашга қаратилган Токио декларацияси қабул қилинганини олқишлайман.

Ўз навбатида, “Марказий Осиё + Япония” форматида ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича қарарларимизни баён этишни истар эдим.

Биринчидан, саммитларни давлат раҳбарлари даражасида ҳар икки йилда бир марта ўтказишни таклиф этамиз. Бу ҳамкорлигимизга қўшимча кучли туртки бағишлашга хизмат қилади. Навбатдаги бундай учрашувларимиздан бирини Ўзбекистонда қабул қилишга тайёрмиз.

Япониянинг адлия ва ҳуқуқ соҳасида ҳамкорлик бўйича янги доимий механизминини яратиш ва келгуси йили Токиода адлия вазирларининг биринчи учрашувини ташкил этиш

борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

Иккинчидан, “Марказий Осиё — Япония 2040” ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш тарафдоримиз.

Ушбу ҳужжатга минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланишига қўмаклашиш ва уларни глобал иқтисодий жараёнларга чуқур интеграция қилиш бўйича аниқ дастур ва лойиҳаларни киритиш мумкин бўлади.

Янги ғоя ва таклифларни ишлаб чиқиш, ҳамкорлиқнинг кенг қўламли кун тартибини шакллантириш учун мамлакатларимизнинг етакчи таҳлил тузилмалари иштирокида Экспертлар форумини таъсис этиш муҳимдир. Музокаралар учун платформа тақдим этиш ва форумнинг илк мажлисини келгуси йили Тошкентда қақришига тайёрмиз.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ФАОЛ, ДАДИЛ ВА КЎПҚИРРАЛИ ДИПЛОМАТИЯНИ ТАНЛАЙДИ

ВОҚЕАЛАР ОРТИДАН ЭРГАШИШНИ ЭМАС, БИР ҚАДАМ ОЛДИНДА ЮРИШНИ АФЗАЛ КЎРАДИ

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Японияга расмий ташрифи ҳамда “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти етакчилирининг биринчи саммити ақинлари ҳақида

18-20 декабрь кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Японияда бўлди ҳамда “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг олий даражадаги илк саммитида иштирок этди. Токиодаги учрашув ва тадбирлар Ўзбекистоннинг минтақавий жараёнлардаги кучайиб бораётган мавқеи

➤ Давоми 3-бетда

“ОБОД ХОНАДОН”, “ОБОД КЎЧА”, “ОБОД МАҲАЛЛА” ТАНЛОВЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ислоҳотлар амалда

Пойтахтимиздаги Ўзбек миллий академик драма театрида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлантиришга қаратилаётган эътибор жамиятимизда эришилаётган ютуқларнинг муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар кўлами кенгаймоқда.

➤ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ + ЯПОНИЯ” БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Учинчидан, Япония молия институтларининг Марказий Осиёда савдо-иқтисодий ва инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни кенгайтиришни олқишлаймиз.

Ишонаман: Марказий Осиёнинг бой табиий ва кадрлар ресурсларини Япониянинг sanoat ва технологик салоҳияти билан бирлаштириб, бир-биримизни тўлдириш ва қучайтириш бўйича самарага эриша оламиз.

Шу муносабат билан Марказий Осиёнинг инфратузилмалари ва sanoatни ривожлантириш инвестиция жамгармасини таъсис этишни таклиф қиламиз. Унинг базасида минтақада йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун Япония инвестициялари, технологиялари, муҳандислик стандартлари ва экспертизасини жалб этишга қаратилган “Сифатли инфратузилма” бўйича дастурини ишга тушириш мумкин.

Шунингдек, Япония технопаркларининг Марказий Осиё тармоғи — sanoat кооперацияси, маҳаллийлаштириш ва технологиялар трансфери минтақавий платформасини яратишни таклиф этамиз. Технопарклар тармоғини минтақадаги ҳар бир мамлакатнинг ҳомашё ва sanoat соҳасидаги имкониятларидан келиб чиқиб, тақсимлаш мумкин.

Тўртинчидан, бутун рақамли трансформация иқтисодий ўсиш ва барқарорликнинг ҳал қилувчи омилга айланиб бормоқда.

Япония компаниялари рақамли иқтисодиёт сегментлари — sanoatни автоматлаштириш, робототехника, бошқарувнинг интеллектуал тизимлари, янги авлод булутли ва телекоммуникация платформалари соҳаларида жаҳонда етакчиدير.

“Марказий Осиё — Япония” рақамли хаби — рақамли ечимлар, сунъий интеллект, “буюмлар интернет”, киберхавфсизлик ва инновацион иқтисодиёт соҳаларида кўп томонлама ҳамкорлик платформасини яратишни таклиф этамиз.

Бешинчидан, Япония замонавий ва ишончли транспорт инфратузилмасини яратишда катта тажрибага эга бўлиб, минтақада транзит ва логистика тармоғини ривожлантиришда муҳим шериклардан бирига айланиши мумкин.

Биз тейзорар поездлар ва автомобиль йўлларини барпо этиш, транспорт йўлакларини рақамлаштириш, аэропортлар ва логистика марказларини қуриш лойиҳаларига Япония инвестициялари, технологиялари ва экспертларининг кўмагини жалб этишдан манфаатдоримиз.

Бу борада Тошкент янги халқаро аэропортини қуришда “Sojitz LLC” компанияси билан муваффақиятли ҳамкорлигимизни таъкидлашни истар эдим.

Олтинчидан, Япония зарарли газларни атмосферага чиқаришни тўлиқ бартараф этишга эришиш борасидаги вазифаларни амалга оширишда жаҳондаги етакчи давлатдир.

Биз Ўзбекистонда заҳарли газларни чиқаришни 2035 йилга бориб 50 фоизга қисқартириш, 2030 йилгача умумий генерацияда “яшил” энергия улушини 54 фоизга етказишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Энергетик ўтиш ва “яшил” энергетикани ривожлантириш бўйича самарали иссиқлик станциялари, қуёш ва шамол энергия қурилмаларини барпо этиш, когенерация, йўқотишларни қисқартириш, зарарли газларни ушлаб қолиш ва фойдаланиш технологияларини жорий этиш каби аниқ лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Тошкентда Қайта тикланадиган энергетика соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича минтақавий марказни ташкил этиш таклифини илгари сураимиз.

Еттинчидан, мамлакатларимиз томонидан қабул қилинган Марказий Осиё учун “Яшил кун тартиби” минтақавий дастурини амалга оширишда ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришни муҳим деб ҳисоблаймиз. Ушбу дастур Япониянинг “Яшил трансформация” ташаббуси билан уйғундир.

Минтақада ҳаво сифатини яхшилаш бўйича атмосферага чиқариладиган газларни мониторинг қилиш, филтрлаш ва камайтириш, аҳоли учун янада

барқарор ва хавфсиз экологик муҳитни яратиш учун илгор ечимларни қўллашга қаратилган қўшма дастурни ишга тушириш, Иқлим ўзгариши билан курашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, Оролбўйи экологик муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларни қамраб оладиган қўшма ҳаракатлар дастурини қабул қилиш, Мулоқот доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг янги шаклдаги учрашувларини ташкил этишни таклиф этамиз.

Саккизинчидан, Япониянинг сейсмик хавфсизлик соҳасидаги улкан тажрибасини ҳисобга олиб, Сейсмик барқарорлиқни баҳолаш ва ошириш бўйича қўшма дастурни ишга тушириш тарафдоримиз.

Мақсад — япон экспертларини жалб этган ҳолда Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларини комплекс сейсмик текширувдан ўтказиш, сейсмик барқарорлиқни ошириш юзасидан “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, Япония модели асосида олдиндан огоҳлантириш тизимларини ишга туширишдир.

Тошкент шаҳрида Япония стандартлари ва протоколлари бўйича муҳандислар, архитекторлар, кутқарув хизматларини тайёрлаш учун Минтақавий малака ошириш марказини очилини таклиф этамиз.

Тўққизинчидан, Япониянинг таълим ва малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги кўмагини юксак баҳолаймиз. Таълим, илмий ва академик алмашувларни бундан буён ҳам кенгайтираимиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистонда келгуси йили “Марказий Осиё + Япония” форматда таълим вазирларининг биринчи йиғилишини, шунингдек, минтақадаги етакчи университетлар ректорларининг илк форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Ёшлар ҳамжамиятлари ўртасида узоқ муддатли алоқаларни шакллантириш, уларнинг ижодий, технологик ва профессионал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган Ёшларни ривожлантириш минтақавий тармоқ дастурларини қабул қилиш тарафдоримиз.

Маданият, санъат ва туризм фестивалларини доимий ўтказиб бориш халқларимиз ўртасида дўстона алоқаларни мустақамлашга хизмат қилади.

Осакадаги “ЭКСИПО” Бутунжаҳон кўргазмасида Ўзбекистон павильони Олтин мукофотга сазовор бўлганини мамнуният билан қайд этишни истар эдим. Биз бундай тадбирларда бундан буён ҳам фаол иштирок этамиз.

Хурматли саммит иштирокчилари! Бизнинг учрашувимиз жаҳон сиёсатида жиддий ўзгаришлар кечаётган, геосийсий зиддиятлар кучаяётган ва йирик давлатлар ўртасида ўзаро ишонч заифлашаётган даврда ўтмоқда.

Бундай шароитда тинчликни сақлаш ва барқарорлиқни мустақамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Афғонистон ўзаро ҳамкорлигимизнинг яна бир муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. Уни тинч, барқарор ва бунёдкор ривожланиш сари бораётган мамлакат сифатида қўриш борасидаги бизнинг интилишларимиз яқдир.

Афғон халқини қўллаб-қувватлаш бўйича кўп йиллардан буён етакчи донор ва шерик мамлакатлар қаторида бўлиб келаётган Япониянинг изчил позициясини юксак баҳолаймиз.

Ишончим комилки, бизнинг биргаликдаги ҳаракатларимиз ва умумий ҳиссамиз ушбу мамлакат аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилмавий ривожланиш, шунингдек, Афғонистонни минтақавий иқтисодий лойиҳаларга фаол жалб этишга хизмат қилади.

Хурматли дўстлар!

Сўзининг якунида кун тартибидagi барча масалалар бўйича қарорларни қўллаб-қувватлашмини билдираман.

Аминманки, бутун илгари сурилган ташаббусларнинг рўёбга чиқарилиши мулоқотимиз ривожига амалий ҳисса қўшади, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлидаги ҳамкорликнинг салмоқли салоҳиятидан унумли фойдаланишга хизмат қилади.

ЕВРООСИЁ МАКОНИДА ПРАГМАТИК ҲАМКОРЛИК ВА АМАЛИЙ МУЛОҚОТ ВЕКТОРИ

21-22 декабрь кунлари Ўзбекистон Президенти

Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган Евроосиё иқтисодий иттифоқининг (ЕОИИ) саммитида ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлат раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тадбирлардаги иштироки Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва Евроосиё маконида ўзаро барқарор ҳамкорлик механизмларини шакллантиришга қаратилган стратегик йўлнинг мантикий давоми сифатида баҳоланмоқда.

Сўнгги йилларда иқтисодий дипломатия Ўзбекистон ташқи сиёсий стратегиясининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Шу нуқтан назардан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади.

ЕОИИ 2001-2014 йилларда фаолият юритган ва яна иқтисодий маконни яратиш учун институционал асос бўлиб

хизмат қилган Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти тажрибаси асосида шаклланди. Мазкур интеграция моделининг муҳим хусусияти шундаки, тузилмага аъзо давлатларнинг аксарияти бир вақтнинг ўзидa МДҲ таркибига ҳам киради. Бу эса иқтисодий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва минтақавий кооперациянинг давомийлигини таъминлайди.

Ўзбекистон 2019 йилда sanoatни модернизация қилиш, экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш ва минтақавий қўшилган қиймат занжирларига интеграциялашув вазифаларидан келиб чиқиб, ЕОИИ билан кенгайтирилган ҳамкорлиқни ўрганишга киришди. 2020 йилда кузатувчи мақомининг олинishi ва

кейинчалик идоралараро мувофиқлаштиришдан тортиб, Евроосиё иқтисодий комиссияси билан доимий алоқаларга ҳам бўлган институционал механизмларнинг йўлга қўйилиши мазкур мулоқотни амалий даражага олиб чиқиш имконини берди.

Бутун Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги аниқ йўналишларни қамраб олди. Мамлакатимиз логистикани содда-лаштириш, транспорт коридорларини рақамлаштириш, электрон тижорат ва арголгистика маршрутларини ривожлантиришга қаратилган тармоқ ҳамда инфратузилма лойиҳаларида фаол иштирок этмоқда.

Евроосиё маконидagi яна бир муҳим ҳамкорлик платформаси Мустақил

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ ҲИСОБЛАНГАН ЯПОНИЯ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Бошланиши 1-бетда

интеллектуал ва технологик маконга интеграциялашувини таъминлашнинг асоси сифатида қаралишни таъкидлади. Сўнгги 7-8 йил ичида бу соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди. Бироқ ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар ҳам кўп.

Илм-фанни тизимли трансформация қилиш доирасида янги авлод тадқиқотчиларини шакллантириш, соҳа фаолиятини кластер модели асосида ташкил этиш, муҳим илмий йўналишлар бўйича ресурсларни жамлаш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Бугунги учрашувда қатнашган Япония университетлари мамлакатимиз учун энг долзарб бўлган сунъий интеллект ва рақамли технологиялар, қишлоқ ва сув хўжалиги, “яшил” энергия ва барқарор ривожланиш, сейсмония ва “ақли шаҳар” технологиялари каби соҳалар бўйича мустақам илмий-тадқиқот инфратузилмасига ва юқори илмий ҳамда педагогик салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ушбу йўналишлар бўйича Ўзбекистон университетлари билан яқин ҳамкорлик бошланган. Кўни кеча қўшма лойиҳаларни амалга оширишга онд қизгин музокаралар бўлиб ўтди ва янги келишувларга эришилди.

Ҳамкорлиқни янада ривожлантириш учун таълим ва фан бўйича қўшма комиссия, инновациялар бўлими консорциум ташкил этиш, флагман лойиҳалар, шу жумладан, ўқув жараёнига С.Ини жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда муҳандислик мутахассисликлари бўйича ўқув дастурини ишга тушириш таклиф қилинди.

Тадбир доирасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Цукуба университети билан биргаликда Ўзбекистонда олий таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисидаги меморандум ҳамда илмий ҳамкорлик ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида бир қатор бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Эришилган келишувларни тизимли ва ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш учун “Йўл харитаси” қабул қилинади.

Шундан сўнг “Кантэй” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Япония Бош вазири Санаэ Такаичи давлатимиз раҳбарини самийий кутиб олди ва шоҳсўпага таклиф қилди. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар фарҳирий қоровул сафи олдиндан ўтдилар ва расмий делегациялар аъзоларини қўтладилар.

Токиода Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг музокаралари бўлиб ўтди.

Давлатлараро ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган Ўзбекистон — Япония стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Япония Бош вазири давлатимиз раҳбарини самийий қутлар экан, ушбу ташрифини ҳар доимгидек юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Япония муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа деб атади.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 33 йил давомида Япония Ўзбекистоннинг яқин дўсти, асосий технологик ва инвестициявий шериги бўлиб, республикада замонавий sanoat ва энергетика инфратузилмасини яратиш ҳамда инсон ресурсларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Товар айирбошлаш, инвестициялар ҳажми ва Япония сармояси иштирокидаги қўшма корхоналар сонининг барқарор ўсаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Энергетика, геология, туризм, инфратузилмани ривожлантириш, АТ ва бошқа устувор соҳаларда муҳим лойиҳаларни амалга ошириб келаётган “Sojitz”, “Toyota Tsusho”, “Sumitomo”, “Itochu”, “Kyoto Plaza”, “Balcom”, “Shikoku Electric” каби етакчи япон компаниялари Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) билан қўшма лойиҳалар портфели энергетика, нефть-кимё, транспорт, таълим ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларни қамраб олган.

Музокараларда парламентлардаги “дўстлик гуруҳлари”, иқтисодий ҳамкорлик кўмиталари, устувор йўналишлар бўйича тармоқ учрашувлари ва бошқа ҳамкорлик шакллари фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Япония билан стратегик шериклиқни ривожлантиришнинг бир қатор асосий йўналишларини қайд этди. “Яшил” энергетика ва sanoatда углерод чиқаришни камайтириш, ахборот технологиялари, ўта муҳим минераллар, машинасозлик соҳасидаги

ҳамкорлик, соғлиқни сақлаш ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш шулар жумласидан.

Мазкур саммитга тайёргарлик доирасида қиймати 12 миллиард доллардан ортиқ бўлган кооперация лойиҳаларининг янги портфели шакллантирилгани мамнуният билан қайд этилди. Ушбу лойиҳаларни илгари суриш учун қўшма инвестиция платформасини яратиш таклиф қилинди.

Бундан ташқари, Самарқанд вилоятида Япония модели ва стандартларига асосланган махсус иқтисодий зонани барпо этиш режалари эълон қилинди.

Япониялик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилаётган “Бир қишлоқ — битта махсулот” дастурининг кўламини кенгайтириш таклифи қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш имкониятлари ва йўллари, худудлараро алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Келгуси йили Самарқандда икки мамлакат худудларининг биринчи форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Гуманитар алмашинувлари фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаси анъанавий равишда ушбу кўп қиррали муносабатларнинг муҳим қисми саналади.

Ёшларга келгусида тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашга кенг имкониятлар тақдим этаётган Ўзбекистон — Япония Инсон ресурсларини ривожлантириш маркази мамлакатимизда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ўзбекистондаги 7 та олий таълим муассасасида япон тили ўқитилмоқда. Токио чет тиллар университетиди мана 10 йилдирки, ўзбек тили ўрганилмоқда.

Ректорлар форуми кадрлар тайёрлаш соҳасида тажриба алмашуш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда. Япониянинг етакчи олий таълим муассасалари ректорлари билан учрашув бўлиб ўтди. Ҳамкорлик дастурлари, илмий ва инновацион алмашинувлари кенгайтириш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Цукуба университети билан биргаликда Тошкент шаҳрида биринчи Ўзбекистон — Япония университетини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Маданий ва сайёҳлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида маданият кунлари, кўргазмалар, ёшлар форумлари, кинофестивалларни мунтазам ўтказиб бориш таклиф қилинди. Ташриф арасида Японияда Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги муносабати билан 2027 йилда икки мамлакатда Маданият йиллари ўзаро ўтказилади.

Музокараларда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Яқунда Ўзбекистон Президенти ва Япония Бош вазири Келгуси авлодлар учун кенгайтирилган стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолادилар. Ушбу ҳужжат, шубҳасиз, муносабатларни янги босқичга кўтариши ва кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш учун кенг имкониятлар очishi таъкидланди.

Ташриф доирасида таълим, соғлиқни сақлаш, экология, сув ресурслари, транспорт, шаҳарсозлик, туризм, қишлоқ хўжалиги, табиий офатлар хавфини камайтириш соҳаларида салмоқли келишувлар тўплами қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларни алмашуш маросими бўлиб ўтди.

Олий даражадаги музокаралар якунлангач, “Кантэй” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг расмий ташрифи шарафига Япония Бош вазири Санаэ Такаичи номидан қабул маросими ташкил этилди.

Тадбирда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари, ишбилармон доиралари ва жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этди.

Мамлакатимиз етакчиси ва Япония ҳукумати раҳбари бўлиб ўтган музокаралар натижаларидан, уларнинг якунида икки томонлама алоқалар кенгайтирилган стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан мамнуният билдирдилар.

Ўзбекистон — Япония муносабатларини бундан буён ҳам мустақамлашга интилиш қатъий экани таъкидланди.

Япониядаги тадбирлар якунлангач, Ўзбекистон Президенти Санкт-Петербургда бўлиб ўтадиган Евроосиё Олий иқтисодий кенгашининг бўлажак йиғилиши ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги етакчиларининг норасмий саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Россияга жўнаб кетди.

ЎЗА



Давлатлар Ҳамдўстлигидир. У иқтисодий, гуманитар ва институционал ҳамкорлиқнинг кенг кўламли формати бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон ушбу ташкилот доирасида изчил равишда прагматик ва сиёсийлашмаган кун тартибинин илгари суриб келмоқда.

Санкт-Петербургдаги мазкур бўлажак саммит норасмий ва ишончли муҳитда фикр алмашуш, ёндашувларни мувофиқлаштириш ва биргаликдаги ишлар якунини сарҳисоб қилиш учун қулай имконият яратяди.

2017 йилдан буён Ўзбекистон МДҲ фаолиятидаги иштирокини сезиларли даражада фаоллаштириб, асосий эътиборни иқтисодий йўналишга қаратди.

Мамлакатимиз умумий бозорларни шакллантириш, sanoat кооперацияси, транспорт боғлиқлиги ва инвестициявий ҳамкорлиқни ривожлантириш билан шуғулланувчи қўллаб тармоқ органларига қўшилди. Ўзбекистон томонининг ташаббуслари узоқ муддатли иқтисодий самарага йўналтирилган концептуал ҳужжатлар ва “амалий қарорларда ўз аксини топди. Ўзбекистонда МДҲнинг йирик тадбирлари, жумладан, низом органлари мажлислари, иқтисодий ва эксперт форумларининг ўтказилиши мамлакатимизнинг интеграция кун тартибинин ишлаб чикувчи марказлардан бири сифатидаги мавқеи ошаётганидан далолат беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентининг Санкт-Петербургдаги тадбирларда иштирок этиши улкан стратегик аҳамиятга эга. Ўзбекистон минтақавий бирлашмаларда иштирок этишининг прагматизм, иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва аниқ натижага йўналтирилган моделини изчил шакллантирмоқда. Шу маънода, МДҲ макони ва унга боғлиқ интеграция механизмлари Тошкент томонидан барқарор ривожланиш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ва шериклик алоқаларини мустақамлаш учун муҳим платформа сифатида баҳоланмоқда.

“Дунё” АА

ЎЗБЕКИСТОН ФАОЛ, ДАДИЛ ВА КЎПҚИРРАЛИ ДИПЛОМАТИЯНИ ТАНЛАЙДИ

ВОҚЕАЛАР ОРТИДАН ЭРГАШИШНИ ЭМАС, БИР ҚАДАМ ОЛДИНДА ЮРИШНИ АФЗАЛ КЎРАДИ

Бошланиши 1-бетда

Экспертлар ва халқаро таҳлилий ҳамжамият вакиллари ушбу тадбирлар якуини баҳолар экан, улар “Марказий Осиё + Япония” мулоқотини ўзаро институционал ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшгани, шунингдек, минтақа мамлакатларининг Япония билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда



Мехмет Сейфеттин ЭРОЛ,
Анқара инқирозлар ва сиёсат
тадқиқотлари маркази раҳбари:

— Баъзан биргина хорижий ташриф мамлакатнинг ташқи сиёсати ҳақида ўнлаб дастурий ҳужжатлар ва баланларвоз декларациялардан кўра кўпроқ маълумот беради. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 18-20 декабрь кунлари Японияга ташрифи айнан шундай воқеа бўлди. Бу расмий Тошкент воқеалар ортидан эргашишни эмас, балки улардан бир қадам олдинда юришни афзал кўриб, фаол, дадил ва прагматик дипломатияни танлаётганининг аниқ ва равшан белгисидир. Бу уфқларни кенгайтириш, халқаро мавқени мустаҳкамлаш ва Ўзбекистоннинг глобал кун тартибидagi ўрнини ишончли намоян этиш йўлидир.

Токио дастурининг мазмунан бойлиги ташрифининг илк соатлариданоқ яққол кўзга ташланди. 19 декабрь кунлари Япония Императори қабулида бўлиш — юксак сиёсий эҳтиром белгиси, парламентнинг ҳар икки палатаси раҳбарияти билан учрашувлар, Япониянинг юзта компанияси иштирокидаги кенг қўламли бизнес форуми, бешта етакчи корпорация билан алоҳида музокаралар ҳамда Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги билан ўтказилган батафсил мулоқот шулар жумласидан. Бундай тизим кун тартибиди ташриф протоколларни бажариш учун эмас, балки аниқ қарорлар, муҳим қелишувлар ва натижага эришиш учун тузилганидан далолат беради.

Ташриф жараёнини кузатар эканман, сиёсат, иқтисодий ва институтларнинг бир-бирини ўзаро кучайтирувчи нозик уйғунлигига гувоҳ бўлдим. 20 декабрь кунини ушбу мантиқ “Марказий Осиё + Япония” саммитида, икки томонлама музокараларда ва Япония Бош вазирини билан ўтказилган расмий учрашувда ўз аксини топди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон

барқарор ва манфаатли мулоқот ўрнатишга интилишини намойиш этганини таъкидлади.

Мутахассислар мазкур учрашувларнинг минтақавий кооперацияни мустақамлаш ва Марказий Осиёнинг халқаро нуфузини оширишдаги стратегик аҳамиятини алоҳида қайд этмоқда.

бугун халқаро кун тартибиди шунчаки иштирок этмаётгани, аксинча тобора ишонч билан унинг қоидалари ва параметрларини шакллантиришда қатнашаётганини кўрсатади.

Ушбу ташриф Ўзбекистоннинг янги тарихидagi энг сермазmun ва фаол ташқи сиёсий даврлардан бири бўлган 2025 йилга тўлақонли мутаносиб бўлди. Шавкат Мирзиёев сиёсати янги имкониятларни очувчи аниқ йўналишларга асосан қурилмоқда: халқаро алоқалар географияси муттасил кенгайиб бормоқда, уларнинг мазмунини эса чуқур ва амалий тус олмақда. Шу фонда Марказий Осиё аста-секин “чекка ҳудуд” бўлишдан тўхтаб, Евроосиёнинг транспорт, энергетика ва инвестициялар соҳасида нуфузи ортиб бораётган мустақил туғунига айланиб бормоқда. Айнан Ўзбекистон бугун минтақани янги энергия ва маъно билан тўлдирган ҳолда ушбу жараёнга жадал суръат бермоқда.

Ўзбекистон инфратузилмасини модернизация қилишга йўналтирилган Япония инвестициялари ҳамкорлигининг мустаҳкам иқтисодий асосини ташкил этади. Бу шунчаки тарқоқ лойиҳалар ёки бир маргалик қадамлар эмас, балки неча йилларга мўлжалланган тизимли ишдир.

Мулоқотнинг иқлимий ва гуманитар жиҳатлари, айниқса, Ўзбекистонда “Атроф-муҳитини муҳофаза қилиш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинган йил фондида алоҳида эътиборга лойиқ. Марказий Осиё учун иқлим ўзгариши аллақачон махфум мавзу бўлишдан тўхтаган: музликлар эриши тезлашмоқда, сув камаймоқда, ҳарорат йилдан йилга кўтарилмоқда. Бундай шароитда Япониянинг қайта тикланувчи энергия, энергия самардорлиги, “яшил” технологиялар ва фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш тизимлари соҳасидаги тажрибаси нафақат амалий, балки стратегик аҳамият касб этади. 900 дан ортиқ мутахассиснинг Япония таълим дастурлари бўйича тайёрланиши эса “яшил” трансформациянинг мустаҳкам қадрлар лойдеворини яратаяди, экологик кун тартибини мустаҳкамлайди ва Токио билан Тошкентни узоқ муддатли жонли алоқалар билан боғлайди.

Геосиёсий ўлчам ҳам муҳимлигича қолмоқда. Табиий ва технологик ресурслар учун рақобат кучайиб бораётган бир шароитда Япония Марказий Осиёга тенг ҳуқуқлилик ва суверен манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган ҳамкорлик моделини тақдир этмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги Япония ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаши, ижтимоий соҳадан тортиб хавфсизлик, энергетика ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга бўлган қўшма лойиҳалар икки томонлама муносабатларнинг юқори ишонч ва етуклик даражасини кўрсатади.

Андрей ГРОЗИН,
МДХ давлатлари институти
Ўрта Осиё ва Қозоғистон
бўлими мудири, Шарқшунослик
институти катта илмий ходими:



учун муҳим аҳамиятга эга деб биламан.

Фикримча, Япония билан шериклик Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистоннинг прагматик сиёсати, яъни имкон қадар кенг қўламли йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш мазкур ташрифининг асосини ташкил этади.

Япония минтақа маркази — Ўзбекистон билан шерикликдан манфаатдор. Шу нуқтани назардан, Ўзбекистон Президентининг ташрифи ҳар икки томон — ҳам Токио, ҳам Тошкент

Умуман, икки мамлакатнинг ўзаро ҳурмати ва манфаатларига ургу берилган ҳолда ўтган ушбу ташриф Марказий Осиё минтақасида транспорт инфратузилмасини яхшилаш учун зарур шарт-шароитларни яратаяди.



Рустам БУРНАШЕВ,
қозоғистонлик эксперт, фалсафа фанлари номзоди, профессор:

— Япония томони, хусусан, Император Нарухито Ўзбекистон Президентининг ташрифини Ўзбекистон — Япония дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашдаги муҳим воқеа деб баҳоладди. Ушбу баҳо Ўзбекистон томони учун ҳам хосдир.

Ташрифининг муҳим таркибий қисмларидан бири Президент Шавкат Мирзиёевнинг Японияда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ўзбекистонликлар билан учрашуви бўлди. Бу кўп жиҳатдан таълим, кадрлар тайёрлаш ҳамда маданий-гуманитар алмашинув соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатларининг энг жадал ривожланаётган сегменти эканини кўрсатади.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти ва Япония Парламенти Маслаҳатчилар палатаси президенти учрашувиди ёш парламентарийларнинг ташаббуслари, жумладан, Ўзбекистон ва Япония ёш парламентарийлари

форуми ҳамда Япония делегациясининг 2026 йилда Самарқандда ўтказилиши режалаштирилган Глобал ёш парламентарийлар конференциясида иштирок этиши масалалари марказий мавзу бўлгани диққатга сазовор.

Ўзбекистон етакчисининг Японияга ташрифи аниқ ифодаланган прагматик характерга эга. Бунини Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирини Рёсёи Акадзава билан ўтказилган учрашув якунилари ҳам тасдиқлайди. Унда савдо-инвестициявий ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда муқобил энергетика, декарбонизация ва ўта муҳим хомашё каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари сурши масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Японияга ташрифи доирасидаги марказий воқеалардан бири унинг “Марказий Осиё + Япония” саммитидаги иштироки бўлди. Айнан Япония 2004 йилда бундай форматдаги учрашувларнинг биринчи минтақадан ташқаридаги иштирокчиси ва ташаббусқори бўлган

Ян ЧЭН,
Шанхай халқаро тадқиқотлар
университети хузуридаги Шанхай глобал
бошқарув ва минтақавий тадқиқотлар
академияси директори, профессор:



— “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти минтақавий ривожланиш, иқтисодий барқарорлик, экология, энергетика ва хавфсизлик масалаларида мувофиқлашув ҳамда ҳамкорлиқнинг муҳим воситасидир. Олий даражадаги биринчи саммит Марказий Осиё мамлакатларининг сиёсий жипслашуви ортиб бораётгани ва Япония билан шериклиқни чуқурлаштиришга интилишини тасдиқлади.

Ушбу саммит минтақанинг барқарор ривожланиш масалаларини муҳокама қилиш учун янги ва самарали платформага айланди.

Токио аёнгандай равишда ЈСА ва ЈВІС ташкилотлари орқали минтақадаги инфратузилма ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, транспорт коридорлари, логистика марказлари ва энергетика объектиларини модернизация қилишда иштирок этиб келмоқда. Бундай лойиҳалар минтақавий боғлиқлиқни оширади ва Марказий Осиёнинг Шарқ билан Ғарб ўртасидаги логистика кўприғи сифатидаги ўрнини мустаҳкамлайди.

“
Япония Ўзбекистонда
ташкил этилаётган ишлаб
чиқариш қувватларига
юқори экологик ва
технологик стандартларни
жорий этишга
қўмаклашиши мумкин.
Бу махсулотларнинг
рақобатбардорлигини
оширади ҳамда нафақат
Япония, балки бошқа
жаҳон бозорларига ҳам
йўл очади.

Мулоқот доирасида Ўзбекистон фаол ва конструктив позицияни эгаллаб, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, чегаралар хавфсизлигини



эди. Ўша вақтдаги Япония ташқи ишлар вазирини Ёрико Кавагути сўзлари билан айтганда, бу формат кўп томонлама ҳамкорлиқнинг “янги ўлчами” сифатида тақдим этилган. Ушбу мулоқотнинг ўзига хослиги шундаки, у хилма-хиллиқни ҳурмат қилиш, рақобат ва мувофиқлаштириш, шунингдек, гуманитар алмашинув тамойиллари асосида қурилган. Япония томони Марказий

Осиё давлатлари билан айнан минтақавий даражада ҳамкорлик қилиш муҳимлигини тизимли равишда таъкидлаб келди. Бу эса 2000-йиллардаги мураккаб минтақавий жараёнлар даврида Марказий Осиёда минтақавий ўзликни сақлаш ва ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди.

Бироқ шу вақтга қадар ушбу мулоқот “вазирлар даражасида” эди. Япониядаги ҳозирги учрашув олий даражадаги биринчи тадбирдир. Бу ҳолат Марказий Осиё мамлакатлари ва Япония ўртасидаги ҳамкорликка қўшимча суръат бағишлаши кутилмоқда.

Нихоят, яна бир принципиал муҳим жиҳат шундаки, “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти бошқа “С5+” форумларидан фарқли ўлароқ, ишбилармон ва илмий доиралар учрашувларини, яъни “иккинчи даражали дипломатия”ни ҳам қамраб олади. Бу эса мулоқотни шунчаки сиёсий ва дипломатик тадбирдан Марказий Осиёда минтақавий боғлиқлиқни мустаҳкамлашга қаратилган реал ҳамкорлик механизмига айлантиради.

“Дунё” АА

“ОБОД ХОНАДОН”, “ОБОД КЎЧА”, “ОБОД МАҲАЛЛА”

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқлар, аҳоли яшаш масканлари қиёфасини замонавийлаштириш бўйича қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилляпти. Жумладан, хизмат биносига эга бўлмаган 369 та маҳалла бино билан таъминланди, 284 тасига янги бино қуриб берилди, 1178 таси реконструкция қилинди.

Маҳалла институти фаолиятида замонавий технологиялар кенг қўлланилмоқда. Шундай лойиҳалардан бири “Рақамли маҳалла” платформасидир. У орқали фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва маҳалладаги долзарб муаммолар тизимга киритилди. Шу билан бирга, миграция муаммоларига

эътибор қаратилиб, чет элга кетган ва қайтганларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, хорижий тил ва касбга ўргатиш учун махсус “Миграция” модули ишга туширилди.

Маҳаллаларда тозалик ва ободонлаштириш лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳам доимий эътиборда. Шу мақсадда сўнгги йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари, “Обод кўча”, “Обод хонадон”, “Обод маҳалла” мезонлари, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси кенг таътиқ этилмоқда.

Биргина “Обод кўча”, “Обод хонадон”, “Обод маҳалла” мезонларининг ҳаётга татбиқ



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

этилиши туфайли ҳар бир хонадон, ҳар бир кўча ва маҳаллага бунёдкорлик руҳи кириб борди. Маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгариб, тадбиркорлик, бунёдкорлик муҳити кучайиб бораётти.

Бундай ютуқлар баробарида қилинади-ган ишлар ҳам кўп. Масалан, чикинди билан боғлиқ ҳолатни олайлик. Кўчалар, йўллар ва белгиланмаган турли жойларга чиқинди ташлаб кетилиш ҳолати тез-тез учраб турибди. Бу муаммо шаҳар ва қишлоқлар қиёфасига пур-тур етказиш баробарида, жамоатчилик онги,

ёшлар тарбиясига ҳам, албатта, салбий таъсир қилади. Айниқса, аҳоли ва сайёҳлар гавжум ҳудудларда бундай ҳолатларнинг юзга келиши ташвишли ҳолат.

Бундай муаммоларга қарши курашиш, уларга жамоатчилик эътиборини қаратиш долзарб вазифадир. Шунга ўхшаш камчиликларни бартараф этишда одамларнинг юрт ободлигига дахлдорлик туйғусини кучайтириш жуда муҳим. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан ўтказилаётган “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод

маҳалла” республика кўрик-танловининг бу борада аҳамияти катта.

Танлов тўрт босқичда барча маҳалла, кўча ва хонадонларни қамраб олган ҳолда уюшқоқлик билан ташкил этилди. Жойлардаги маданият уйлари, маънавият ва ёшлар марказлари ҳамда бошқа замонавий иншоотларда ўтказилган ушбу тадбирларга 2 миллиондан ортиқ киши жалб этилгани танловнинг оммавийлигини таъминлади.

Танловнинг республика босқичи ғолиблари муносиб рағбатлантирилди. Жумладан,

“Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” номинациялари бўйича 1-ўрин соҳибларига Президент совғаси — автомобиль топширилди. Шунингдек, барча босқич ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Кўрик-танлов натижасида мамлакат миқёсида 100 та “Обод хонадон”, 100 та “Обод кўча” ва 100 та “Обод маҳалла” етакчилари аниқланиб, уларнинг илгор тажрибаси, ташаббуси ва лойиҳаларини кенг жорий этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш зарурлиги белгиланди.

— Озодалик бор жойда файзу барака, ижтимоий фаоллик ва тараққиёт бўлади, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бошқарма бошлиғи Жамшид Чориев. — Бу борадаги йилги ишлар айнан маҳаллалардан бошланаётгани жуда муҳим. Чунки маҳалла Ватан ичра мўъжаз ватандир. Унинг ободлиги юрт ободлиғи ва мамлакат фаровонлигига хизмат қилади. Шу маънода, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан бу жаҳада қилинаётган ишлар маҳалла институтининг ўрни ва нуфузини янада ошириш, аҳоли ўртасида ободонлаштириш, қўламазорлаштириш ва тозалик ғояларини кенг тарғиб қилишда самара бераётди.

“Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танлови ҳам халқимизнинг мазкур йўналишдаги миллий қадриятларини кенг тарғиб этиш ҳамда аҳолининг ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қиладиган муҳим ижтимоий ташаббус сифатида аҳамиятини намоян этди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Бағдод туманидаги “А.Мадаминов” кўп тармоқли фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Абдушукур Абдумуталлибов “Шухрат” медали билан тақдирланди. Бу йил 34 ёшни қарши олган иш бошқарувчининг бундай юксак эътирофга муносиб кўрилгани бежиз эмас, албатта.

Абдушукур болалигидан ака-опалари этагидан тутиб, далада мол-қўй боқиб улгайди. Ер шугдорлаш, экин экиш, йўғим-терим билан боғлиқ жараёнлар у учун бегона эмас. Йиллар давомида бобоси — кекса агроном Абдумуталлиб бобога, отаси Шухрат-жонга имкон қадар кўмак берди. У касбига меҳр қўйиб қадрлон далаларда улгайди. Бу қизикчи йилгитини Тошкент давлат аграр университетига томон етаклади. Бакалавр ва магистрлик даражасини олиб, бир муддат ёшларга дарс берди. Аммо бобо ер, оддий қишлоқ одамларига меҳр уни қўхна Самандарак қишлоғига қайтишга ундади. Албатта, бу ерда унинг қиладиган ишлари, орзу-мақсадлари кўп эди. Шу боис, енг шимариб ишга киришди. Мақсади соҳага илм-фан, янги технология ва хориж тажрибасини жорий этиш эди. Чунки мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш йўлида янги давр бошланган, деҳқон, фермер, томорқачи

ва тадбиркорларга ер-сувдан фойдаланишда кенг имконият берилётган эди.

— Фермер хўжалигимиз ташкил этилганда бор-йўғи 17 гектар еримиз бор эди. Ҳозир бу кўрсаткич 250 гектарга етди, — дейди Абдушукур Абдумуталлибов. — Бу йил 125 гектар ерга галла экиб, ҳар гектардан 80 центнер ҳосил олдик. Пахтачиликда ҳам юқори натижага эришдик. Хориждан чигит олиб келиб, 106 гектарга экиб, юқори ҳосил олишга ҳаракат қилдик. Шундан 25 гектарида “Шинжон тажрибаси” асосида плёнка остида қўшқатор усулда пахта етиштирдик. Изиллашлар бесамар кетмади. Ҳосилни тўлиқ терим машинаси ёрдамида йиғиб олдик. Умумий ҳосилдорлик 60 центнердан ошди. Туркиядан олма кўчати олиб келиб, 20 гектарда интенсив боғ барпо этганмиз. Дастлабки ҳисоб-китобга кўра, жорий йилда деҳқончиликдан 2 миллиард сўмдан ортиқ соф даромад оламиз. Бу янги техника ва технологиялар сотиб олиш, ишчи-хизматчилар манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Фермер хўжалигининг асосий экин майдони Марказий Фарғонанинг Қизилтепа массивида жойлашган қумлоқ ердан иборат. Бундай жойдан қўзланган ҳосил олиш учун фермер билим ва тажриба уйғунлигида ишлаши керак. Шу боис, фермер изиллашдан тўхтаб қолгани йўқ. Жорий йил пахта мавсумида “Шинжон тажрибаси” дан ташқари, Хитой ва Туркиядан 6 хил чигит олиб келиб, маҳаллий шароитда синаб кўрди. Мавсум давомида ҳамкорлар даласида бўлиб, амалий иш жараёни билан танишди, тажриба тўплади.

— Бундан етти-саккиз йил аввал битта лойиҳани ишга тушириш қийин эди, — дейди фермер. — Турли тўсиқ, қўғозбозликлар ортидан йиллаб сарсон бўлишимизга тўғри келарди. Ишлаб чиқаришга сармоя киритмоқчи бўлган инвесторларнинг ҳуқуқ ва



25 ГЕКТАРИДА “ШИНЖОН ТАЖРИБАСИ” АСОСИДА ПЛЁНКА ОСТИДА ҚЎШҚАТОР УСУЛДА ПАХТА ЕТИШТИРДИК.

манфаати тўлиқ ҳимояланмаган эди. Бугун барчаси ўзгарди. Ишлайман деганга имконият, имтиёзлар берилляпти. Мухими, янги технологиялар асосида ишлаб бошладик. Масалан, энди экин майдонлари ҳолатидан келиб чиқиб, фосфорли ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантиришни йўлга қўямиз. Аввал ҳамма ерга бир хил муносабатда бўлардик. Ер ҳолати, талаб ва тақлифини ўрганмай ишлаганмиз. Бу ортиқча харажатга сабаб бўлиб, ҳосил таннархини оширган. Бундан ташқари, асосий эътиборни сув тежовчи технологияларга қаратдик. Ўтган мавсумда 25 гектар ерда томчилик сўғориш тизимини йўлга қўйган бўлсак, ҳозир бу кўрсаткич икки ҳисса ортди. Галла майдонларини ҳам томчилик сўғорипмиз. Янги усул уруғнинг бехато кўкаришини таъминлайди. Қолаверса, экинни бир меъёрга сўғориш ва озиқлантиришда самара беради. Шу мақсадда фермер хўжалигимиз ҳузурида “Сувчилар мактаби” ташкил этиляпти. Бу ерда малакали мутахассислар фермер ва томорқа ер

эгаларига сувни тежаш, янги техника ва технологияларни амалиётда қўллаш борасида машғулот ўтказилади. Шунингдек, донни қайта ишлаш, мева сақлаш, қайта ишлаш, қадоклаш йўналишларида янги лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Президентимиз бизни нафақат фермер, балки давлат ва жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган, аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ҳудудлар ободлиги йўлида самарали хизмат қилаётган ислохотчи сифатида эътироф этган. Доим биз билан мулоқот қилиб, соҳа илғорларини рағбатлантириб келмоқда. Бу, ўз ўрнида, янги ташаббусларга қанот бўляпти. Эҳтиром, ҳурмат-иззат ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Президентимиз Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни муносабати билан соҳа вакиллари билан учрашувда фермер, пахта ва галлачилик кластерларига янада кўплаб имтиёз ва имкониятлар берди. Далаларда томчилик сўғориш технологиясини жорий этишга имтиёзли кредит ажратиш, маблағидан пахта

етиштирган фермерларга ҳосилнинг 10 фоизгача қисмини субсидиялаш тизими ҳақидаги ташаббуслардан миннатдор бўлдик.

Фермер хўжаликлари дала четигаги ерларни ўзлаштириб, сабзавот ва мевали экинлар экмоқда. Шу орқали қўшимча даромад олиш тажрибаси оммалашиб бормоқда. Эзгу мақсад йўлида бошланган ташаббус туфайли яшил майдонлар, боғ-роғларга барпо этиляпти. Асаларичилик, чорвачилик тармоқлари ривожланиб, ҳудудлар обод ва фойзли бўлиб бормоқда.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИМИЗ ҲУЗУРИДА “СУВЧИЛАР МАКТАБИ” ТАШКИЛ ЭТИЛЯПТИ.



— Шу кунгача дала четига кўп ҳам эътибор қилмасдик. Ер ўз ҳолига ташлаб қўйилгани боис, ўт-ўланлар бошқа нарсаси бўлмади, — дейди фермер хўжалиги раҳбари, кекса агроном Абдумуталлиб Мадаминов. — Бугун манзара, ҳолат ўзгарди. Хар бир қарич ер ҳисоб-китоби. Дала четидан мақсадли фойдаланиш борасидаги ишлар

сабаб шу кунгача 16 гектар янги экин майдони очилди. Натижада 20 минг туп терак, мевали дарахт кўчатларини эдик. Бир гектарда балиқчилик тармоғи фаолиятини йўлга қўйдик.

Тартиб билан экилган манзарали ва мевали дарахтлар эътиборни тортади. Ерга ер қўшиб, далага деҳқончилик маданияти олиб кирилибди. Уни ақинда ҳам қаровсиз, ташландиқ жой бўлган десангиз ҳеч ким ишонмайди. Ўзлаштирилган ер ҳисобига ҳосилдорлик ҳам ошди. Сабаби, қуёш ҳароратида обдан “қуйган” туپроқ экин майдонига ташиб олинди. Бу самара берди. Аввал 20-25 центнерга етказиб галла олинган бўлса, бугун бу кўрсаткич тўрт ҳисса ошди.

Фермер хўжалиги бир неча кундирик, меҳмонлар билан гавжум. Оддий ишчининг меҳнати ва изиллашлари эътирофга муносиб кўрилганидан барча миннатдор. Бахтми

меҳнатдан топган, она замин билан тиллашиш ва диллашнинг ҳадисини олган фермер қадрлон даласини бир дам бўлса-да унутгани йўқ.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мулоҳаза

Инсоният тараққиёти тарихига назар ташласак, ҳар бир цивилизациянинг қудрати унинг моддий бойликларига эмас, балки шу бойликларни англаш, қайта кашф этиш ва улар орқали янги ихтиро яратиш қобилиятига боғлиқ бўлганини кўрамиз. Табиат инсонга берган нёзматлар орасида баъзи ресурслар борки, улар фақат саноат ёки иқтисодиёт учун эмас, балки инсониятнинг келажагига таъсир қилади. Вольфрам ана шундай янги давр ресурсларидан.

Бугун дунёда саноат биргана металлга эмас, балки инновацияга, интеллектуал салоҳиятга таяна бошлади. Вольфрамнинг физик кучга эга металл сифатидagi қиймати — ҳақиқий қудратининг бир бўлаги, холос. Унинг асл аҳамияти инсониятнинг юқори ҳарорат ва улкан босимга чидамли материал яратиш орқали табиат қонуниятларини янада чуқур англашга интиляганида намоён бўлади. Шу маънода, вольфрам технологиянинг эмас, ақлининг мустаҳкамлигини ҳам ифода этувчи рамзидир.

Глобал иқтисодиётда вольфрамнинг “энергия валютаси” сифатида қадр топаётгани дунё янгица тартибга, янгица мантқиққа суняиб қадам қўяётганини англатади. Бугун энергетика, авиация, машинасозлик, космик технологиялар ва яшил инновациялар ўзаро боғлиқ улкан тизимга айланди. Бу тизимда ким ресурсга эга бўлса эмас, балки ким ундан барқарор ва илмий билимга таянган тарзда фойдалана билса, ўша устунликка эришади. Давлатнинг раҳбари ташаббуси билан барпо этилган Ўзбекистон технологик металллар комбинати фақат саноат корхонаси эмас, балки ресурсларнинг янги қиёфада қайта кашф этилиши ва юрт келажагини технология руҳида янгида қуришга интиляганини амалий ифодасидир. Комбинат бугун вольфрам ишлаб чиқариш соҳасида илгор технологиялар ва интеграциялашган ишлаб чиқариш моделлари орқали мамлакатимизнинг глобал вольфрам майдонида ишончли ҳамкор сифатидаги позициясини мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Хусусан, бу йил Технологик металллар комбинати (ТМК) Марказий Осиёда биринчи бўлиб Халқаро вольфрам саноати ассоциациясига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди. Бу аъзолик мамлакатимизнинг глобал техносавдо ҳудудига ўз сўзи, маъқеи ва масъулияти бор субъектга айланиб бораётганини

ГЛОБАЛ БОЗОРДАГИ ЯНА БИР ОДИМ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ВОЛЬФРАМ САВДОСИДАГИ УЛУШИ ОШМОҚДА



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ УҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

англатади. Зеро, ҳар қандай ресурсга эгаликдан кўра, ундан тўғри, илмий ва жаҳон тартибига уйғун тарзда фойдалана билиш янги давр цивилизациясининг асосий мезонидир.

Комбинатнинг бугунги фаолияти вольфрам заنجирининг барча босқичини — апстрим (upstream), мидстрим (midstream) ва даунстрим (downstream) жараёнини қамраб олган мукаммал экотизим сифатида шаклланимоқда. Бу ёндашув шунчаки саноат стратегияси эмас, балки ресурсни хомашёдан қийматга, қийматдан эса стратегик устунликка айлантира оладиган янги иқтисодий тафаккур ифодасидир.

Апстрим (юқори) босқичи доирасида комбинат мамлакатнинг Сарикўл, Ингичка ва Саутбай ҳудудларида кенг қўламли қидирув ҳамда ўзлаштириш ишларини бажармоқда. Сарикўл конининг ўзлаштирилиши, айниқса, алоҳида мазмунга эга: умумий саноат захиралари истиқболи билан бирга ҳисоблаганда, 30 минг тоннадан ортиқ вольфрам металл мамлакатнинг технологик келажагини белгилайди. Мазкур ерда барпо этилётган ишлаб чиқариш мажмуаси

йилига 1 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга бўлади ва халқаро талабларга жавоб берадиган 65 фоизли вольфрам концентрати чиқарилади. Бу эса саноат кўрсаткичи эмас, балки юртимиз инновацион қудратининг амалий ифодаси.

Технологик металл комбинати бу лойиҳа орқали нафақат металл, балки инсон капиталини ҳам яратишга аҳамият қаратмоқда: 400 дан ортиқ мутахассис ва маҳаллий аҳоли вакиллари учун барқарор иш ўринлари очилиш режалаштирилган. Чунки ресурсни ривожлантириш инсонни ривожлантиришдан бошланади.

Янги саноат лойиҳаларининг ишга тушиши натижасида юзага келадиган ўсиш динамикаси — оддий статистика эмас, балки таркибий иқтисодий юксалишнинг белгиси. Хомашё йўналишида вольфрам концентрати ишлаб чиқаришнинг 300 тоннадан 14 минг 950 тоннагача, яъни 50 баробар ўсиши, қайта ишлашда ангидрид ҳажмининг 76 тоннадан 4860 тоннага, тайёр маҳсулотда эса металл ҳажмининг 58 тоннадан 1860 тоннагача кўтарилиши миллий саноат янги босқичга чиқаётганини англатади.

Ҳамкорликдаги барча ишларнинг марказида битта гоя ётади: табиий ресурсга эгалик қилиш ҳамда уни тўғри йўналтириш ва чуқур қайта ишлаш. Хорижий шериклар билан бирга олинётган вольфрам концентрати айнан шу мантқиқ асосида комбинатга етказилиб, металл вольфрам ишлаб чиқаришнинг кўч босқичига йўналтирилади. Бу жараёнда хомашё ўз қийматини, металл моҳиятини топади.

Шу билан бирга, комбинат хомашё манбалари билан чекланиб қолмай, келажакни ҳам изламоқда: Томчали ва Қорақая каби истиқболли майдонларда халқаро стандартларга мувофиқ геологик қидирувлар олиб борил-

Занжирнинг энг юқори нуқтаси — даунстрим босқичи. Бунда металл ўзининг энг юксак қадарини топади: хомашёдан маҳсулотга, маҳсулотдан эса миллий қийматга айланади. Комбинат бу босқичда “Made in Uzbekistan” саноат брендини критик минераллар соҳасида жаҳон майдонида мустаҳкамлашга интилямоқда. Бугун бу ерда вольфрам брикет ва штабиклари, қарбид асосидаги волонкалар, қаттиқ қотишмалар фрезалар, бургилар, электродлар, бургилаш асбоблари ва коронкалар ишлаб чиқаришмоқда.

Комбинат ишлаб чиқариш жараёни рақамлаштириш, автоматлаштириш, энергиятежамкор ва экологик хавфсиз

технологиялардан фойдаланиш, ESG ва IRMA стандартларини жорий этиш билан саноатни металл ишлаб чиқаришдан келажак яратиш даражасига олиб чиқмоқда.

Бугун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қиймати вольфрам маҳсулотлари маҳаллий саноат ривожининг ифодаси бўлиш билан бирга мамлакатнинг технологик салоҳиятини дунёга намоён этувчи стратегик белгидир. Европа ва АҚШнинг нуфузли компанияларига етказиб берилаётган маҳсулотлар — миллий ишонч ва халқаро тан олинми меваси. Шу билан бирга, Япония ва Жанубий Корея каби технологик марказлар билан ҳамкорлик кенгаётгани Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридagi иштирокни географик эмас, интеллектуал қўламда ҳам ифода этади.

Янги саноат лойиҳаларининг ишга тушиши натижасида юзага келадиган ўсиш динамикаси — оддий статистика эмас, балки таркибий иқтисодий юксалишнинг белгиси. Хомашё йўналишида вольфрам концентрати ишлаб чиқаришнинг 300 тоннадан 14 минг 950 тоннагача, яъни 50 баробар ўсиши, қайта ишлашда ангидрид ҳажмининг 76 тоннадан 4860 тоннага, тайёр маҳсулотда эса металл ҳажмининг 58 тоннадан 1860 тоннагача кўтарилиши миллий саноат янги босқичга чиқаётганини англатади.

Бу лойиҳаларнинг иқтисодий самараси ҳам юқори: инвестиция қиймати 103,9 миллион доллар, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 5,5 миллион долларликдан 280 миллион долларликкача, экспорт салоҳияти эса 2,4 миллион доллардан 181,5 миллион долларгача ўсиши кутилмоқда. Энг муҳими 5000 дан ортиқ янги иш ўрни очилишидир.

Ўзбекистон глобал вольфрам бозоридagi ўрнини мулккара янги даражага олиб чиқмоқда. 2030 йилга бориб, мамлакатнинг захиралар бўйича улуши 2 фондан 5,1 фонзга, қазиб олиш бўйича 0,05 фондан 14,8 фонзгача ошиши кутилляпти. Бу эса мамлакатимизнинг соҳада фақат иштирокчи эмас, балки тренд белгилай оладиган кучга айланаётганини кўрсатади.

Бугун дунё вольфрам таъминот заنجирини рақамлаштириш, автоматлаштириш, энергиятежамкор ва экологик хавфсиз

Шу жараёнда Технологик металллар комбинати глобал вольфрам таъминот заنجирини тўлдирувчи эмас, балки уни янгида шакллантирувчи куч. Комбинат ўз лойиҳалари орқали Ўзбекистоннинг жаҳон саноат тизимига маъқеани мустаҳкамлаб, мамлакатни ишончли ҳамкор, барқарор маҳсулот етказиб беришчи ва кўрсаткичлар бўйича етакчи давлатлар қаторига олиб чиқишни мақсад қилган.


Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

— Алло, “Тез тиббий ёрдам” эшитади.
Бу — куннинг исталган вақтида 103 қисқа рақамига қилинган қўнғирокқа жавобан янграйдиган овоз. Байрам ёки дам олиш кўни, соат тўнги 02:00 ёки тонгги 06:00 бўладими, аҳамиятсиз. Тез тиббий ёрдамнинг навбатчилик қилаётган ҳар бир ходими чақирувни тезкор, диққат-эътибор билан қабул қилади. Чақирув сабаби турлича бўлиши мумкин. Кимнидир юрак-қон томир касалликлари ёки кучли оғриқ безовта қилади, яна ички қон кетиш ёҳуд оғир жароҳатдан азият чекаётган бўлади. Беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатишда ҳар дақиқа, ҳар сония ганимат. Узғи билан 1-2 дақиқада чақирув қабул қилиниб, беморнинг манзили тез тиббий ёрдам бригадаси планшетига юборилади. Чақирувчи ким, ёши нечада, нима шикоятчи бор? Шифокор ҳам, фельдшер ҳам бундай маълумотлар билан йўл-йўлакай қайта танишиб боради. Асосий мақсад — вақтни йўқотмай, манзилга тез етиб бориш. Вазият дарҳол баҳоланиб, беморга зарур тиббий ёрдам кўрсатилади. Инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун барча имконият ишга солинади. Сусткашликка йўл қўйиш асло мумкин эмас. Ахир гап инсон ҳаёти устида бормоқда.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Кейинги йилларда мазкур хизмати такомиллаштириш, замонавий автотранспорт воситалари билан таъминлаш, соҳага рақамли илгор технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Илгари тез тиббий ёрдам тизими “тез ёрдам” деб юритиливчи алоҳида бўлинмалардан иборат бўлиб, марказлашган тузилмага эга эмасди. Станция ва подстанцияларнинг турли тузилмаларга қаршилиги хизмат кўрсатиш сифатига таъсир қиларди. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида соҳадagi ишлар янги босқичга кўтарилди. Жумладан, Республика тез тиббий ёрдам маркази ва унинг 14 та ҳудудий филиали тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда тиббий автохўжаликлар негизида ташкил қилинди, шунингдек, ягона вертикал бошқарув тизими йўлга қўйилди. 2022 йилдан буён тизимга тегишли 100 га яқин бино ва иншоот қурилиб, капитал таъмирланди. Қулай ва замонавий инфратузилма хизмат кўрсатиш сифатининг тубдан яхшиланишига асос бўлди.

Тез тиббий ёрдам бригадалари автомашина, алоқа воситалари, планшет ва бошқа зарур тиббий ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Ҳар бир бригадaга зарур дори-дармонлар



“Пойтахтда чақирувларга етиб бориш вақти ўртача 20-30 дақиқа бўлган бўлса, ҳозир ўртача атиги 10-15 дақиқани ташкил этмоқда. Худудларда ушбу жараён 10-40 дақиқага тўғри келади.

ажратилган. Тонometr, фонендоскоп, пульсоксиметр, турли ҳажмдаги шприцлар, бoғлов материаллари ва интенсив терапия учун препаратлар шулар жумласидан. Замонавий тиббий ускуналар, дори-дармон, ёнилиги ва махсус автомобиллар билан тўлиқ таъминлаш орқали чақирувга тез ва самарали жавоб беришга эришиляпти.

Умуман, ўтган саккиз йилда “103” хизмати шохобчалари сони 818 тадан 1680 тага, “Тез ёрдам” бригадалари 1648 тадан 2865 тага, битта чақирувга дори-дармон учун ажратилган маблаг эса 750 сўмдан 11 минг 800 сўмга ошди. Бу билан кўрсатиладиган ёрдам сифати ва хавфсизлиги таъминланди, оғир ҳолатларда инсон ҳаётини сақлаб қолиш имконияти ошди. Аҳоли сонига нисбатан хизмат қамрови кенгайди. Битта бригадaга тушадиган чақирувлар сони камайди. Тиббиёт ҳодимининг иш юкласи энгиллашгани ҳар бир беморга етарлича эътибор қаратиш имконини яратди.

қабул қилиш, саралаш механизми йўлга қўйилди, жараён оптималлашди. Илгари бир туман ёки ҳудудий тез тиббий ёрдам хизмати, масофаси яқин бўлса ҳам, бошқа ҳудуд аҳолисига хизмат кўрсатиши мумкин эмас эди. Энди тез тиббий ёрдамнинг ҳудудий чегарасидан қатъи назар, беморгача бўлган масофанинг яқинлигига қараб тиббий бригада йўналтириляпти.

Тизимнинг автоматлаштирилиши диспетчерлик хизматида инсон омили билан боғлиқ хатолар камайиши, чақирувларни устуворлик даражасига кўра тезкор тақсимлаш имконини бермоқда. Пойтахтда чақирувларга етиб бориш вақти ўртача 20-30 дақиқа бўлган бўлса, ҳозир 10-15 дақиқани ташкил этмоқда. Худудларда ушбу жараён 10-40 дақиқага тўғри келади.

Автоматлаштирилган тизим тез ёрдам машиналарининг joyлашувини реал вақт режимида кузатиш имконини берди. Энг яқин бригада чақирувга йўналтирилиб, манзилга етиб бориш вақти қисқаради. Бу эса, ўз вақтида, самарали тиббий ёрдам кўрсатишга замин яратди.

Келгусида тизимни рақамлаштириш жараёни янада жадаллашади. Хусусан, 2026 йилда “103” хизматида аҳоли учун “Онлайн тиббий маслаҳат” тизими йўлга қўйилади. Соҳада



ЙИЛ МАНЗАРАЛАРИ

— 2025 йилдан бошлаб “103” хизматида электромобиллардан фойдаланишга ўтилди, — дейди Республика тез тиббий ёрдам маркази директори ўринбосари Нозимжон Далибаев. — Хусусан, 10 дона “BYD Seagull” русумли замонавий электромобиль ҳудудий филиалларга етказиб берилди. Мисол учун, Бухоро шаҳридаги зиёратгоҳлар, маданий мерос объектлари ва сайёҳлар кўп



Албатта, тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, белгиланган манзилга етиб боришда автотранспорт воситасининг ўрни алоҳида. Илгари “103” бригадаларининг манзилга кечикиб бориши, транспорт воситалари етишмаслиги, борлари ҳам талабга жавоб бермаслиги одатий ҳол эди. Кейинги йилларда тизимда эскирган автотранспорт воситалари янгиларига алмаштирилди. Тез тиббий ёрдам хизмати GPS трекер билан таъминланди, соҳа учун 1000 дона замонавий “Volkswagen Caddy” русумли автомашина сотиб олинди, худудларга тақсимланди.

Шунингдек, жорий йилда илк бор “103” бригадалари ҳаракатини реал вақт режимида онлайн кузатиш тизими йўлга қўйилди. Ушбу тажриба-синов лойиҳаси аввал пойтахтда, йил охирида барча ҳудудда амалга оширилди. Энди чақирувчилар тез тиббий ёрдам бригадалари қаерда экани ва уларнинг чақирув манзилгича бўлган йўналишини онлайн кузатиб бориши мумкин. Ушбу имконият ҳозирча фақат шошилинч чақирувлар учун йўлга қўйилди.

— Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида тизимимизга янги замонавий сервер ускуналари ва тармок қурилмалари етказилди, — дейди Нозимжон Далибаев. — Ушбу жиҳозлар тўлиқ созланиб, тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув тизимида қўлланоқда.

Жорий йилда мамлакатимизда биринчи марта “Тез тиббий ёрдамини ташкил этининг долзарб муаммолари” мавзусида тез тиббий ёрдам ходимларининг I республика сьезди ўтказилди. Анжуманда тез тиббий ёрдам тизимининг бугунги ҳолати ва

ривожланиш истиқболлари, соҳадаги илгор халқро тажриба таҳлил этилди. Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига замонавий технологиялар ва рақамли ечимларни жорий этиш, тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаш масалалари муҳокама қилинди.

Тез тиббий ёрдам тизимига рақамли технологияларнинг жорий этилиши натижасида 103 хизматида сурункали чақирувчилар рўйхатини тузиш ва уларнинг чақирувини тўлиқ таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлди. Таҳлилларга кўра, 2025 йил январда 36 минг 98 та сурункали чақирув рўйхатга олинган. Йил охирида эса бу кўрсаткич 16 минг 642 тани ташкил этиб, 19 минг 456 тага ёки 54 фоизга камайган. Натижада 5,5 миллиард сўм бюджет маблағи ортиқча сарфланишининг олди олинди.

Ҳозир “Тез тиббий ёрдамини ташкиллаштириш ва кўрсатиш тартиби” ҳамда тез тиббий ёрдам шифокори ва фельдшернинг касбий стандартлари лойиҳалари ишлаб чиқилиб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда такомиллаштирилмоқда.

Янгиликлардан бири жорий йилда ишга туширилган Call-back (қайта алоқа) тизимидир. У аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини мониторинг қилиш ва баҳолашга мўлжалланган бўлиб, аҳолидан келиб тушаётган шикоятлар сонининг кескин, яъни 36 фоиз камайишига хизмат қилди.

Яқинда бир танишмин айтиб қолди: “Куни кеча бир сабаб юзасидан тез ёрдам чақиримига тўғри келди. 15 дақиқада етиб келган тиббий бригада зарур ёрдамини кўрсатди. Хушмуомала ва малакали тиббиёт ходимларининг муолажаси ва тавсияларидан кўнглим тўлди.

Эртаси куни номаълум рақамдан қўнғирок бўлиб, кўрсатилган тез ёрдамнинг сифати ва тиббиёт ходимларининг салохияти ҳақида сўради. Авадироқ бу тартиб ҳақида эшитгандим, лекин айнан ўзимнинг саломатлигим ва тиббий хизматдан розилигини ҳақида сўралганда, ростки, қувондим.”

Тез тиббий ёрдам кўрсатиб бўлингандан кейин Call-back тизими орқали беморга қўнғирок қилиб, кўрсатилган тиббий хизмат сифати, ходимларнинг фаолияти, диспетчерларнинг муносабати ва муомаласи ҳақида сўралди. Эътирозлар бўлса, ўрганилиб, жойида баргараф қилинади.

Тез ёрдамга муурожаат — шунчаки қўнғирок эмас. Ҳар бир чақирув ортида инсон тақдирини, умиди, саломатлиги билан боғлиқ хавотир ётади. Бу тиббиёт ходимларидан катта масъулият, виждонан ёндашувини талаб этади. Сифатли ва замон талабларига мос тез тиббий ёрдам кўрсатишда эса соҳадagi янгиланишлар, яратилган шарт-шароит, “инсон қадрини учун” гоёсини ўзида муассасам этган эзгу мақсад катта аҳамият касб этаётир.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун инсоният тараққиёти тарихида мутлақо янги босқич шаклланоқда. Иқлим ўзгариши, табиий ресурслар чекланганлиги, атроф-муҳит деградацияси ва экологик хавфсизлик масалалари эндиликда фақат экологлар ёки алоҳида соҳа мутахассислари муаммолари эмас, балки бутун жаҳият ва давлатлар олдидаги стратегик вазифага айланди. Шу маънода, “яшил иқтисодиёт” концепцияси XXI асрнинг энг муҳим ривожланиш модели сифатида майдонга чиқмоқда.



“Яшил иқтисодиёт” — бу фақатгина қайта тикланувчи энергия ёки чиқиндиларни камайтириш билан чекланадиган тушуноча эмас. У иқтисодий ўсиш, ижтимоий барқарорлик ва экологик мувозанатни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда ривожланишни таъминловчи комплекс тизимдир. Ўзбекистонда бу борадаги ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиши бежиз эмас. Чунки барқарор келажак бугун қабул қилинаётган қарорлар, тайёрланаётган кадрлар ва шаклланаётган тафаккур билан белгиланади.

2019-2030 йилларга мўлжалланган “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиямиз узоқ муддатли ривожланиш “йўл харитаси”ни шакллантириб берди. Бу ҳужжатда энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган. У иқтисодиётнинг барча тармоқларини қамраб олиши билан бирга, инсон капиталини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Бугун Ўзбекистон 2030 йилгача бўлган даврда иссиқхона газлари чиқиндиларини



Олимжон ДУЙСЕНБОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ
давлат университети ўқув ишлари
бўйича проректори

кескин камайтириш, электр энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи манбалар улушини сезиларли даражада ошириш каби аниқ ва улкан мақсадларни ўз олдига қўйган. Сўнгги йилларда қуёш ва шамол электр станциялари қурилишига жалб этилаётган миллиардлаб долларлик инвестициялар ушбу йўналишнинг нақадар катта иқтисодий салоҳията эга эканини кўрсатмоқда.

Бироқ аниқ тушуниш керакки, “яшил иқтисодиёт”нинг муваффақияти фақат техно-

логия ва молиявий ресурсларга боғлиқ эмас. Асосий ҳал қилувчи омили инсон капитали, яъни замонавий билимга, экологик тафаккурга ва инновацион фикрлаш қобилиятига эга мутахассислардир. Айнан шу нўқтада олий таълим тизими стратегик аҳамият касб этади. Сўнгги саккиз йилда Ўзбекистонда олий таълим тизими тубдан янгиланди. Талабалар сони бир неча баробар ошиши, янги университетлар ва хорижий олий таълим муассасалари филиаллари очилиши, таълим қамрови кенгайиши — буларнинг барчаси мамлакатнинг интеллектуал салохиятини кўчайтиришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда юз минглаб битирувчилар иқтисодиётнинг турли тармоқларига кириб келмоқда ва айнан шу ёшлар “яшил иқтисодиёт”нинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланиши лозим.

Айни пайтда таҳлиллар кўрсатмоқдаки, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнида энг катта муаммолардан бири малакали кадрлар танқислигидир. Энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва қурилиш соҳаларида энергия самарадорлиги, ресурс тежамкорлиги, экологик хатарларни баҳолаш бўйича етарли билим ва қўнмамага эга мутахассислар ҳали кам. Бу эса олий таълим тизимидан янги ёндашувларни талаб қилади.

“Яшил иқтисодиёт” шароитида олий таълим муассасаларининг вазифаси фақат мутахассис тайёрлаш билан чекланиб қолмаслиги керак. Улар илмий тадқиқот, инновация ва

“ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ УЙЎНЛИГИ БУ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?



жамоатчилик онгини шакллантириш марказларига айланиши зарур. Қайта тикланувчи энергия, сув ресурсларини бошқариш, “яшил” қурилиш, “ақли” қишлоқ хўжалиги ва иқлим технологиялари йўналишларидаги илмий изланишлар реал иқтисодиёт ётижларини билан чамбарчас боғланиши мумкин.

Хукумат, бизнес ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигига асосланган “уч томонлама спираль” модели “яшил” инновацияларни амалиётга тез жорий этиш имконини беради. Бундай модель шароитида олий таълим муассасалари ҳудудий ривожланиш дастурлари, саноат лойиҳалари ва ижтимоий ташаббус-

ларда фаол иштирок этиб, билим ва амалиётни уйғунлаштиради.

Таълим мазмунини “яшил иқтисодиёт” талабларига мослаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаси. Ўқув режалар ва фан дастурларига барқарор ривожланиш, иқлим ўзгариши иқтисодиёти, ресурс тежамкор технологиялар, экологик менежмент, “яшил” молия ва ESG ёндашувлари бўйича фанларни кенг жорий этиш зарур. Айниқса, “яшил” бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимларини ривожлантириш корхоналар фаолиятининг экологик жиҳатдан шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Аънанвий бухгалтерия тизими кўпича фақат молиявий натижаларга эътибор қаратади. “Яшил” бухгалтерия ҳисоби эса экологик харажатлар, карбон изи, атроф-муҳитга таъсир каби омилларни иқтисодий таҳлилга интеграция қилиш имконини беради. Бу эса давлат ва бизнес даражасида янада асосли ва масъулиятли қарорлар қабул қилишга қўмаклашади.

“Яшил иқтисодиёт”нинг мустаҳкам пойдевори илмий тадқиқот фаолиятисиз барпо этилмайди. Иқлим сценарийларини баҳолаш, сув ва энергетика балансини моделлаштириш, қўллановчи қарши курашиш, энергия тежамкор материаллар яратиш каби йўналишлар узоқ муддатли ва комплекс тадқиқотларни талаб қилади. Бу борада халқаро ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Erasmus+, БМТ ва бошқа халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳалар профессор-ўқитувчилар салохиятини ошириш, янги ўқув курсларини жорий этиш ва талабаларнинг академик мобилизацияни кенгайтиришга хизмат қилади ва битирувчиларнинг нафақат ички, балки халқаро меҳнат бозорига ҳам рақобатбардosh бўлишига замин яратяди.

Олий таълим муассасаларининг ўзи ҳам “яшил кампус” таомийллари асосида ривожланиши муҳим. Энергия самарадор бинолар, қуёш панеллари, сувни тежовчи технологиялар, чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш тизимлари, кенг қўллам қўламазорлаштириш ишлари талабаларга “тирик лаборатория” вазифасини бажаради. Бундай жараён ёшларда экологик масъулият ва онгли муносабатни шакллантиради.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш янги Ўзбекистон учун фақат иқтисодий ислохот эмас, балки таълим, тафаккур ва маданият ислохотидир. Олий таълим тизими бу жараёнинг бош дравейрига айланган тақдирдагина мамлакатимиз барқарор ва рақобатбардosh ривожланиш йўлига қатъий қадам қўйди. Олий таълим муассасалари билим ва инновация маркази сифатида “яшил” гоёларни амалиётга татбиқ этиши керак. Чунки барқарор келажак айнан шу дароҳлардан бошланади.

